252-модда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 252 <sup>ўзбекистонда</sup> футболни ривожлантиришни қўллабқувватлаш масалалари тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ−338-сон қарорини бажариш, шунингдек футбол клублари, Узбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий булинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

1. Профессионал футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг худудий бўлинмалари 2012 йил 1 июндан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур булган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материаллар учун божҳона туловларини (божҳона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини (ягона ижтимоий туловдан ташқари) тулашдан озод қилинсин, бушаб қоладиган маблағлар футболни ривожлантиришга мақсадли йуналтирилсин.

- 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси курсатиб утилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бушаб қоладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни амалга оширсин.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 1 июнь, 158-сон